



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uza s@mcs.uz 2014-yil 25-aprel • №17 (4260)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва кадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 69 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 18 апрель

Муҳаммад ЮСУФ таваллудининг 60 йиллиги



ВАТАН

Эй менга эртақлар сўйлаган Замин,
Эргашиб изиндан қолмасман сенинг.
Ўзгалар наздида Боғи Эрамин
Жийданг япроғига олмасман сенинг.
Ватан, қайда бўлмай, сен ҳамроҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.

Офтоб келин тушган боғларинг кўркам,
Ялпизлар ястанган дала-даштларинг.
Осмонга туташган оқтерак ўлкам,
Кўнглимда ўзгача сайру гаштларинг.
Ватан, қадрим уйи — хонақоҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.

Олтин бешик узра аллалар айтиб,
Ҳамшиша бедорим — оназорим.
Жилғаси жаранги тонгда уйғотиб,
Юрагимга кириб келган баҳорим.
Ватан, кунда боқиб тўймайди, кимсан —
Ой оғриниб ботар саждагоҳимсан.

Суйиб сийм-танимга солган сен чўғни,
Пойинг ўпсам арзир чўкка тушиб тиз.
Сен-ку мангудирсан, мен борми-йўқми,
Мен қайдан кунимни кўраорим сенсиз.
Ватан, жонга жондан яқинроғимсан,
Қавим илди отар саждагоҳимсан.

Алқаб мени кузат, илҳақ мени кут,
Эй бир парча булут, эй бир парча йўл.
Омон бўл, сен борки дунёлар унут,
Сенинг хузурингга элтар барча йўл.
Ватан, мен келсам ҳам келган ёғимсан,
Кетсам — мангу ётар саждагоҳимсан!..

3

Навоийни ўрганиш

ФАЗИЛАТ ВАСФИДА

Инсон Аллоҳ яратган мавжудотларнинг нутқли, ақлли ва шарафлисидир. Бироқ айримларни нодир қилиб яратгани ҳақида Алишер Навоийнинг шундай шоҳ байти бор:

Чун сени Ҳақ нодирасон айлади,
Дахр элига нафрасон айлади.

Оддий китобхон тушуниши учун ушбу мисралар қийинроқ туюлиши мумкин. Бироқ тадқиқотчи олимга бу байт мушоҳадалар қонидир.

Даҳо шоирнинг ушбу байтидаги «нодирасон» ва «нафрасон» сўзлари икки жиҳатдан эътиборга молик. Аввало, уларни сўз ясаш нуқтаи назаридан кузатиш мароқлидир: «нодир — нодира — нодирасон» (ноёб) ва «наф — нафрас» (нафи тегадиган) — нафрасон(наф етказувчи). Ушбу олти сўз шаклидан учтаси: нодирасон, нафрас, нафрасон Навоий томонидан ижод қилиниб, биринчи мартаба адабий муомалага киритилган сўзлардир. Қизиги шундаки, бу уч сўз катта луғатларда учрамайди. Биз қизиқиб бир неча қадимий луғатларни ҳам кўздан кечирдик ва бу сўзларни учратмадик.

Навоий асарларида учрайдиган юзлаб сўзларнинг ўзгаи ўзга тиллардан олинган бўлса-да, улар эски луғатларда қайд этилмаган. Шундан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, уларни Навоий ўзи ижод қилган. Бундай янги сўз ясашларга «Хамса» дostonларида кўп дуч келамиз.

Юқорида келтирилган байтдаги тўртта сўз(чун (модомки), дахр (олам), нодирасон, нафрасон)нинг маъноларидан келиб чиқиб, байтнинг мазмунини тушуна бўлади: модомки Аллоҳ сени ноёб (нодир) қилиб яратган экан, демак, сени олам элига наф етказувчи қилди.

«Хайрат ул-аброр»нинг «Булутдек фойда етказувчилар» ҳақидаги бобида ўша байт келтирилган бўлиб, навбатдаги мисраларда кимки элга наф етказувчи бўлса, у барчага севимли бўлади, деган фикр ўқдирилган:

Ҳар киши бу амрга мансуб эрур,
Борча улус кўнглига маҳбуб эрур.

Бу бобда «Одамларнинг энг яхшиси элга нафи кўпроқ тегадиганидир», деган ҳадиси шариф мазмун ифодаланган байт ҳам бор.

Элга нафи тегадиган инсонларни Алишер Навоий инсониятнинг аъло вақили, ҳатто яғонаси дейди:

Икки жаҳон тахти била афсари,
Балки эрур бир сари, бу бир сари.

Мутафаккир шоир бизга одамлардан олишини эмас, элга эҳсон қилишини одат қилинг; наф етказувчи бўлингу наф изловчи бўлманг, дея ахлоқий тавсия беради.

Шу байт муносабати билан айтгим келадикки, мен Алишер Навоий сиймосида бири иккинчисидан улуг икки даҳони кўраман. Биринчиси, унинг адабий даҳо даҳолигидир. У ҳар икки соҳада мислсиз, ягона бўлиб қолди. Маънавий-ахлоқий даҳо сифатида ўз асарларидан ёмон хусусиятлар ва эзгу фазилатларни бирма-бир таҳлил тавсиф этди ва буни ўзининг олий даражадаги ихтироси деб бир шеърда эълон қилди:

Жоҳ ахли, факр ичра
Навоийга иқтидо —
Айланги, бу тариқа
анга келди мухтарая.

Яъни: эй амалдорлар, хайр-эҳсон қилишда Навоийга эргашинг, чунки бу Навоийнинг ихтиросидур.

Ҳазрат Алишер Навоий наздида энг аъло инсон элга нафи кўпроқ тегадигани, мунтазам ва умрбод ана шу улуг фазилатга амал қилдиганидир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

НУРЛИ УМР КИТОБЛАРИ

Муҳаммад Юсуф қисқа, бироқ гоят сермазмун умр кечириб, ижод бахтини ҳис этиб яшашга муяссар бўлган, ҳаётлик чоғидаёқ катта обрў-эътибор қозонган батақор ижодкор эди. Унинг халқона, қадим наволарга ҳамоҳанг шеърлари дилбар кўшиқларга айланиб, кўнгилабларга завқ, озод юртимиз тантаналарига кўрку тароват бағишлаб келаётир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарориди таъкидланганидек, миллий адабиётимиз ва

маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбиди ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтиришда шоирнинг батақор асарлари ва ибратли ижтимоий фаолиятининг аҳамияти беқиёсдир. Қарорда белгиланган режаларга мувофиқ, шоирнинг таваллуд санаси муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида «Шарқ» НМАК бош таҳририяти томонидан Муҳаммад Юсуфнинг «Сайланма» китоби нашр этилди. Шоирнинг турли йилларда ёзилган шеърлари ва дostonларидан таркиб топган тўпلام «Эсласак арзирли хуш дамимиз бор», «Бир йигитлар туғилсинки...». «Ўзиндан қўймасин, халқим» сингари бобларга бўлинган. «Кўҳна қудук» ва «Қора қўёш» дostonлари ҳам ушбу китобдан жой олган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али «Шоирнинг сози тинмайди» сарлавҳали

Давоми учинчи саҳифада.

РАНГЛАРДА МУЖАССАМ ҲАЁТ

Баҳор халқимизга яна бир байрам — тасвирий санъат фестивалини тўхфа этди. Бу йил ўн биринчи мартаба ўтказилаётган мазкур санъат байрами ҳафта бошида Бадий академия марказий кўргазмалар залида ҳақиқий баҳорий кайфиятда, байрамона руҳда очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов фестивалга ташриф буюрган юртимизнинг таниқли рассомлари, қўли гул уста хунармандлар, санъатшунос олимлар, юртимиздаги чет эл элчихоналари вақиллари, ўқитувчи ва талабалар, санъат мухлислари фестивал билан қўтлади. «Давлатимиз томонидан ижодкорларга, хусусан, иқтидорли ёшларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиляпти, — деди ўз сўзида А. Нуриддинов. — Ўн бир йилдан буюн мунтазам ўтказилиб келинаётган мазкур байрам бунинг ёрқин далилидир. Зеро, фестивалнинг асосий мақсади ҳам биринчи навбатда ёшлар ўз истеъдодларини намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, асарларини кенг тарғиб қилиш, устоз мусаввирлар иштирокидаги маҳорат дарслари орқали уларнинг касбий малакалари чарқлинишига ёрдам беришдан иборат.

Давоми бешинчи саҳифада.



Нафосат

Соғлом бола — миллат таянчи

МАРД ЁШЛАР, ЖАСУР ЁШЛАР

Хар тонг ишга отланарканман, маҳалламиздаги спорт майдончасида жажжи қизалоқлар ва болакайларнинг югургилаб жисмоний машқларни бажаришаётганини кўриб, спорт бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурганини ҳис қиламан. Қайси вилоятга борсангиз спорт мактаблари ва иншоотлари, машқ майдончалари ишга туширилганига, уларнинг доимо ўғил-қизлар билан гавжумлигига гувоҳ бўласиз.



Ана шундай эътибор ва гамхўрлик туфайли бугун чемпион бўлаётган, юртимиз шаънини юксакка кўтарётган ёшларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Баъзида телевидение орқали халқро мусобақаларда голиб бўлган йигит-қизларга ота-оналаримиз ҳайрат ва ҳавас билан қараётганини кўриб қоламан.

Юртбошимизнинг: **“Болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий равишда шугулланиши уларнинг характери тоблайди, кучли, мард ва жасур бўлиб камол топишга хизмат қилади, қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона энгиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялайди. Спорт билан шугулланиш фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради”**, деган гаплари бугун ёшларимизнинг турмуш тарзида ўз аксини топмоқда.

Хизмат сафарларида кўпинча бирор чемпион билан танишишимга тўғри келади. Уларнинг аскарятти “Спорт ўзимни англашимга, олдимга катта мақсад қўйишимга туртки берди. Ҳаётини, вақтни қадрлашни ўргатди”, дейишади.

— Хориждаги кўплаб халқро мусобақаларда қатнашиб совринчи ўринларни эгалладим. Спортчи тенгдошларим орасида ҳамюртларимиз сафи тобора ошиб бораётгани юрагимни фазр-ифтихорга тўлдирди. — дейди самарқандлик Мафтун Шамсиева. — Аввало, муштақил ўзбекистон фарзанди эканлигимдан, ота-онамнинг орзуларини рўёбга чиқараётганимдан бахтиёрман. Эндигина 18 ёшни қаршилаганига қарамай, бадий гимнастика бўйича

халқро мусобақаларда қатнашиб, “афсонавий спортчи” деган ном олган шундай ёшларимиз билан суҳбатлашганим ўзи мароқли. Уларнинг телевидение орқали жўшиб айтган дил сўзлари барча ўғил-қизларимиз кўнглидан кечаётгани шубҳасиз.

Олти ёшли шахматчимиз Ислоббек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медали кўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди. Оғир атлетикачи Руслан Нуридинов Полшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яхё Имомов Францияда ўтган “Катта дубулга” туркумидаги халқро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Қувалик Исомжон Азимов жанговар самбо бўйича жаҳон суперкубоги мусобақасида олтин медалини кўлга киритди...

Ёшлигимизда ака-укаларимиз футбол ўйнашса, ота-онамиз коптокнинг ортидан чапиб вақтинини ўтказаяпсан, деб тергашарди. Бугун эса ота-оналар спортнинг ҳар қандай тури соғлиқ учун фойдали эканини англаб етишди.

— Спорт иродани чиниқтиради, қоматни чиройли қилади, ҳаёт синовларига бардош беришни ўргатади. — дейди ўғли футбол ишқибози бўлган Нигора Раҳмонова. — Бир пайтлар ўғлимнинг футбол тўғрисида аъзо бўлганини кўриб коптокнинг ортидан чапишдан бирор наф борми, деб ўйлаганман. Аммо футбол ўғлимда яхши хислатларини тарбиялади. Бир-бири билан ҳамжиҳат бўлишни, яъни битта жамоа бўлиш-

ни, атрофдагиларни қўллаб-қувватлашни, қийин пайтларда дўстини химоя қилишни ўрганди.

Дарҳақиқат, спорт сўзи дўстлик, ҳамжиҳатлик, шаън, обрў, ҳалоллик, мардлик, жасурлик, чиниқиш сўзлари билан уйғунлашиб кетган. Ахир йигит киши кучли ва соғлом бўлсагина ўзи, оиласи, керак бўлганда Ватан шаънини химоя қила олади. Спорт билан шугулланиш нафақат йигитларнинг, айна чоғда қизларнинг ҳам иродасини тоблаб, шижоатини шакллантиради. Шу боис, мамлакатимизда қизларнинг спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳаттоки улар учун миллий менталитетимизга мос кийимлар тайёрланмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни кўпайтиришга аҳамият берилмоқда. Бугун юртимизда 850 миң нафарга яқин қизлар спорт билан шугулланмоқда. Бу улар ўртасида жисмоний тарбия ўйинларининг оммалашаётганидан далолат. Айниқса, қизларнинг, ота-оналарнинг спортнинг нафис тури ҳисобланмиш гимнастикага қизиқиши йилдан-йилга кучаймоқда.

— Бадий гимнастика, у қанчалки нафис санъат тури бўлмасин, қизларни кучли ва муштақил қилиб тарбиялашга қодир. — дейди ўзбекистон терма жамоаси шифокори Лиля Миметова биз билан суҳбатда. — Айниқса,



қизлар учун бадий гимнастика билан шугулланиш жуда фойдали. Қолаверса, у ўзида нафақат акробатик, балки, ракс ва мусика элементларини ҳам мужассам этган. Яъни бадий гимнастика орқали қизларимиз ҳам жисмонан, ҳам эстетик жиҳатдан камол топади. Юртимизда спортга тарбия воситаси сифатида ёндашилаётгани, шу боис кўплаб спорт иншоотларининг бунёд этилаётгани туфайли ҳозирги пайтда бадий гимнастика билан 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган 31 миңдан зиёд қизлар шугулланмоқда. Сўнги йилларда бадий гимнастикачиларимиз спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашмоқда. 2010 йили Пекинда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Ўша йили бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати тарихда илк мартаба Тошкент шаҳрида ўтказилганини ҳам фахр билан тилга олиш лозим. Шу билан бирга, истеъдодли спортчиларимизга, айниқса, қишлоқ ҳудудларида спорт билан шугулланиб келаётган ёшларимизга Ҳиндистон, Россия, Туркия, Франция, Германия, Латвия, Корея, Бельгия, Малайзия каби дунёнинг ўнлаб йирик мамлакатларида ташкил этилаётган нуфузли халқро мусобақалар, спорт фестивалларида иштирок этиш имконияти яратилмоқда...

Ишдан қайтарканман, кичик йўлакларда югураётган қизалоқларни, болакайларни кўраман. Спорт билан ошно фарзандларимизнинг сафи йил сайин эмас, балки кун сайин, соат сайин, кенгаётганини ҳис қиламан. Ахир ёшлар қачонки жисмонан кучли, маънан соғлом бўлсагина оиласи ва Ватанини химоя қила олади. Қолаверса, мард, жасур, шижоатли ва байратли ёшларимиз ўз ютуқлари билан тенгдошларини ҳақиқий ватанпарвар бўлишга қорлайди. Энг муҳими, улар соғлом тафаккур ва кучли иродаси билан юртининг ишонган кўрғонига айланадилар.

Наргиза УМАРОВА

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2014 йил, 15-сонидан чоп этилган Барно Султонованинг “Қўл телефони яхшим ёки китоб” сарлавҳали мақоласини ўқиб, яқинда гувоҳи бўлганим бир воқеа ёдимга тушди. Қишлоққа борганимда бир йигинда иштирок этишимга тўғри келди. Даврадагиларнинг барчаси аёллар бўлган жойда, табиийки, асосий мавзу тўй, яъни кимнинг қаердан келин қилганию, дабдаба ва асъаларга бориб тақалади.

Акс-садо
тақлид қачонки ҳўжақўрсинга эмас, астойдил қилинсагина ижобий самара беради. Турмуш қуриш остонасида турган йигит-қизлар ўша китобларни ҳақиқатан ҳам мутолаа қилса чинакам ҳаёт сабогини олишади, қадрдон дўст топгандай бўлишади. Шу кунни тўйда бошқа аёлларнинг ҳам китоб ҳақидаги фикрларини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Ҳаёлимда ана шундай маъракаларда гўзал суҳбатлар қилса бўларкан-ку деган ўй ўтди. Сабаби, инсоннинг ақлу тафаккурини юксалтирадиган энг асосий манба — китоб ҳамisha, ҳамма даврда бебаҳо ҳазина бўлиб келган. У ҳақда ҳар қаерда, ҳар қанча гапир-

КЕЛИН СЕПИНИ БЕЗАГАН КИТОБ



— Ўтган кун қайсинглим қиз узатди, — деб гап бошлади аёллардан бири. — Ана сепу, мана сарпо. Янги қикан матолару, тайёр кийим-кечаклардан ташқари тилла тақинчоқларнинг ўзидан бир нечаси бор. Яна денг ҳаммаси бир-биридан аъло, қимматбаҳо.

Чекароқда ўтирган, юзидан нур ёғилиб турган онахон аёл суҳбатни давом эттирди.

— Бойлик, мато, тилла кимга бахт берган, қувонч келтирган. Бугун умр фарзанди учун мол-дунё йиғадиганларни кўрсам ҳайрон қоламан, — деди онахон даврадагиларга бир қур назар ташлаганча. — Бир кунлик тўю томоша, ўткинчи орзу-ҳаваслар учун бор-йўғини сарфлайди, лекин бола-сининг илм ўрганиши, китоб ўқишига маблағни аяйди. Ўқитувчи бўлганим учун ўқувчиларнинг ота-оналари билан кўпроқ мулоқотда бўламан. Китобга алоҳида эътиборли бўлган оилаларнинг болалари мулоҳазакор бўлишади.

Яқинда телевизорда кўрсатишди, Самарқандда келин селига китоб қўшган экан, буни қарангки, қиз бор-хонадон аҳли ҳам бу ташаббусни хурсандчилик билан қабул қилишибди. Қувонарлиси, ўша кўрсатувдан сўнг айрим ота-оналар қизларнинг селига китоб қўйишни урфга айлантираётганидир. Бу яхши. Лекин

са арзийди.

Одатда, сафарга отланганда йўловчилар билан суҳбат асносида бир-бирдан қизиқ воқеаларни эшитасиз. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Қишлоқдан шаҳарга қайтарканман, гап айланиб китоб мавзусига тақалди.

— Китоблар менга бегубор болалигимни, меҳридарё ота-онамни эслатгани билан қадрли, — деди ўзини Шарофат дея таништирган аёл. — Отам ҳар гал бозорга ёки бирор жойга сафарга борганда, албатта, ҳар биримизнинг ёшимиз ва қизиқишимизга мос келадиган китоб олиб келар ва дастхат билан беради. Ойнинг маълум бир кунинда китобларни текшириб, уни қандай ўқш ва авайлаш ҳақида эринмай ўргатарди. Тўрт опа-ука ҳаммамиз олий маълумотли бўлди. Уй-жойимиз бўлак бўлгач, ўз китобларимизни олиб кетмоқчи бўлганимизда укам: “Ҳаммаси шу ерда қолаверсин. Ота-онамиздан эсдалик. Уйга келганда ўзингизга кераклигини олиб ўқийверасизлар”, — дея илтимос қилгани учун ноилжор бўлиб қолдим.

Афсуски, кўнгилачлигимга кейин пушаймон қилдим. Чунки бир кун укамниқига меҳмонга борганимда ноёб китоблардан бирининг тандир бошида турганини кўриб юрагим туз сепгандек ачишди. Келинга: “Ахир уларнинг биз учун нақадар азиз эканини биласиз-ку. Нега бундай қилдинглар?” десам, “Э, опа, битта китобга ҳам шунча қайғурасизми? Ана, қанчаси бор. Бекорга уй турини эгаллаган жавонларда чанг босиб ётибди”, — деди пинагини бузмай. Бўзимга бир нарсга тикилгандек бўлди. Зар қадрини заргар билар, деб бежизга айтишмаган экан-да. Зарур бўлиб қолганда олтину тиллога ҳам топилмайдиган биз учун азиз китобларнинг бефаҳм одамлар қўлига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш кераклигига яна бир қарра амин бўлдим.

Дарҳақиқат, нон, сув каби нозу неъматлар қатори китобнинг ҳам увули бор. Айрим ота-оналар фарзандларига мактаб учун дарслик олиб бераётганда, уни асраб-авайлаш ҳақида тушунтиришса айна муддао бўларди. Чунки бола ҳеч бўлмаганда, ўқув адабиётларини авайлаш орқали барча китоблар ҳам эъзозланиши лозимлигини англаши мумкин.

Хар тонг йўлда ўғли билан боғчага кетаётган қўшимга дуч келаман. Беш ёшли Абдуқодирдан: “Сумканга да нима бор?” дея қизиқиб сўрасам, “Китобим”, дея жавоб беради. Шу мурғак боланинг юрагидаги китобга бўлган муҳаббат мени ҳам ҳайратлантиради, ҳам қувонтиради. “Бобоси туғилган кунига “Болалар энциклопедияси”ни совға қилган эди. Ишонасизми, ҳозир ҳамма ўйинчоқларини бир чеккага йиғиштириб, бутун фикру зикри шу энциклопедияда бўлиб қолган. Ҳеч кимга бермайди. Муқоваси кир бўлмаслиги учун жилд, доим ўзи билан бирга олиб юриш учун сумка олдирди”, дейди қўшим. Бекатгача ўрганаётган нарсалари ҳақида суҳбатлашиб кетамиз. Абдуқодир ҳам билагонлардек тўлиб-тошиб сўзлайди. Шундай пайтда унинг митти оламини ўз сеҳри, мўъжизалари билан забт этган китобнинг қудрати нечоғли бекиёс эканини ҳис қиламан. Модомики, китоблар фикр бўлуғи, ақл қуввати, қалбнинг чирогини, олижаноб фазилатлар манбаи экан, каттаю кичик буни бирдек англаб, юрак амри билан унга меҳр қўйса, айна муддао бўлар эди.

АНДИЖОНДА АДАБИЁТ КУНЛАРИ

Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон вилоят театрида Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий аюкуман бўлиб ўтди.

Аюкуманни Андижон вилояти ҳокими Шўхратбек Абдурахмонов очиб, давлатимиз раҳбари томонидан адабиётимизга қаратилмаётган юксак эътибор ҳақида гапирди. Айниқса, “Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарор барча юрдошларимиз қатори андижонликларга ҳам катта фахру ифтихор бағишлаганини таъкидлади. Она Ватанимизни чин юракдан тараннум этган замондошимиз, ҳассос шоир Мухаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди ёш авлод учун чинакам ибрат мактабидир. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али мамлакатимизда

Мухаммад Юсуф ижодига бағишланган кенг миқёсда ўтказилаётган шерьият байрамлари, адабиёт кунлари халқимизнинг эзгу орзу-мақсадлари билан ҳамоҳанг бўлганлигини эътироф этди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Тўлан Низом, Махмуд Тоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Отахон Алиматов, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Таваккал Топволдиев, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Саидабону Абдусаломова, таржимон Бегойим Холбекова Мухаммад Юсуф ҳаётидаги ибратли ва унутилмас хотираларни сўзладилар. Шоирнинг бетакрор шерьлари ҳақида фикр билдирдилар.

Санъаткорлар томонидан Мухаммад Юсуф шерьларига басталанган янги кўшиқлар ихро этилди. Театр биносининг кенг айвонида рангташвирич мусаввирлар мўйқаламига мансуб Мухаммад Юсуф суратлари ва бадий китоблар кўргазмаси намойиш этилди.

Андижон давлат университетиде ҳам ижодий учрашув бўлиб ўтди. Қўрғонтепа туман ҳокимлиги биносиде вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидеги муассасалар раҳбарлари, Марҳамат туманидаги 25 ва 24-умумтаълим мактабларида ўқувчилар ва ҳарбий хизматчилар ҳузуриде, Андижон шаҳридаги футбол мактаб-интернатида ҳам шерьият кечалари бўлиб ўтди. Тадбирларда кекса адилпар Охунжон Ҳакимов ва Олимжон Холдор, Камчибек Кенжа, Энахон Сиддиқова, Хуршида, Зийвуддин Мансур ва бошқа ижодкорлар ўз шерьларини ўқидилар ҳамда дил сўзларини ихор этдилар.

Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати.

ЎЗБЕК КИНОСИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Республика Киночилар уйида ўтган йили яратилган филмлар муҳокамасига бағишланган ижодий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни “Ўзбекино” миллий агентлиги бош директори Жаҳонгир Қосимов очди.

2013 йили юртимиз киностудияларида турли мавзу ва жанрларда эллика яқин бадий филм суратга олинди. Улардан тўққизтаси “Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмаси асосиде яратилган, қолганлари хусусий киностудиялар маҳсулотларидир. Бешта мулфилм, қирққа яқин илмий-оммабол ва ҳужжатли филмлар томошабинларга тақдим этилди.

Давлат буюртмаси асосиде суратга олинган филмлар орасиде “Odnakassniki.ru” (Х.Насимов), “Виждон”, (А.Унарбоев), “Пойга”, “Қўрғон”, (А.Фаниев), “Кудук”, (М.Абдухалиқов), “Бекатдаги одам”, (Т.Мусоқов), “Кўргим келади” (Ж.Қосимов), “Хонадон эгаси” (Е.Савдиев), “Зарб” (Н.Тўлаҳўжаев) каби филмлар бор. Ақсарияти замонавий мавзуда суратга олинган маъзур филмларнинг барчаси бирдек савияда дейиш қийин. Мавзу танлаш, актёрлар маҳорати, режиссёрлик санъати борасиде эътиборга молик филмлар борлиги қувонарли, албатта. Шу билан бирга, баъзи филмлар сценарийси мукамал эмаслиги, актёрлик матнлари пухта ишланмагани, характерли образлар етишмаслиги, баъзи картиналар тарбиявий аҳамиятта молик кўрсатув даражасида қолгани сезилади. Ҳужжатли филмларнинг

аксариятида мавзу долзарблиги кўзга ташланса-да, драматургия ва режиссурада, суҳандон матни, умуман филм матни масаласиде камчиликлар мавжуд.

Хусусий киностудияларда суратга олинган филмларда сифат кўрсаткичлари кўзга ташланаёттир. Филмлар асосан комедия ва мелодрама жанрида суратга олинган. Бирок ҳамон сценарийлар заифлиги, воқеаларда изчиллик етишмаслиги, актёрлар ихросидеги бир хиллик, режиссурада изланишлар сустигли сезилиб турибди.

Анжуманда киношунос, ЎЗМУ кафедра мудири Шохида Эшонбобоева бадий филмлар, киношунос, филология фанлари номзоди Махлиё Мирсоатов ва илмий-оммабол ва ҳужжатли картиналар, “Ўзбекино” миллий агентлиги илмий-оммабол ва ҳужжатли филмлар сценарийларини тайёрлаш бўлими мударрири Забарҳад Бобохонова мултфилмлар, киношуно Элмира Ҳасанова нодавлат студиялар томонидан яратилган филмлар бўйича маъруза қилдилар.

Маърузалар юзасидан бўлган муҳокамада таниқли олимлар, киношунослар, режиссёрлар юртимиз кино санъатида кечаётган ижодий жараёнлар, соҳанинг ютуқ ва муаммолари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бир вақтлар келин-куёвнинг тўйига меъёрида одамлар тақлиф қилинарди. Ҳозир камиде 200-300 киши тўйга келмаса, гўё маърақа ўлмаган ҳисобланади. Бир вақтлар артистларнинг, тўғрироғи, қар-

Ўз ахборотимиз.

ДАБДАБА КИМГА КЕРАК?



Яқинда дўстларимдан бири «Ҳеч ким уйда ош бермай, тўй қилмай қўйди», деганида ҳамма сергак тортди. Дарҳақиқат, кейинги пайтда, айниқса, шаҳарларда тадбирларимиз рестороан ва кафеларда ўтказилмоқда. Тўғри, бир-биридан кўркам тўйхоналар ҳатто юртимизнинг чекка жойларида ҳам қад кўтармоқда. Бу, албатта, ҳаётимиз фаровонлиги белгиси. Аммо баъзида меъёр чегарасидан чиқиш ҳолатлари ҳам кузатиламоқда. Энди нафақат тўйлар, балки мотам маросимларининг ким ўзарга ўтказилаётгани таассуфланарлидир. Яқинда дўстимнинг кўнгли учун йил ошига бордик. Тумонат одам. Дастурхоннинг тўжин-сочинлигидан азага келганингизни ҳам унутиб қўясиз. Нимага керак шунча дабдаба? Отасининг ҳурмати учун Тошкентда ош бермаса унга ҳеч ким таъна қилмасди-ку? Қишлоқда қариндош-уруғ, таниш-билишлар иштирокида шу маросимни ўтказиб қўйиш мумкин эди-ку.

Бир вақтлар келин-куёвнинг тўйига меъёрида одамлар тақлиф қилинарди. Ҳозир камиде 200-300 киши тўйга келмаса, гўё маърақа ўлмаган ҳисобланади. Бир вақтлар артистларнинг, тўғрироғи, қар-

Мулоҳаза

най-сурнайчиларнинг вақтига қараб тўй қилинарди. Энди эса тасвиричиларнинг ҳам вақтига қараладиган бўлди. Бугун эса дабдабали рестороанлар «қачон бўш бўлар экан» деб навбат қўтилмоқда. Чунки одамларнинг оддий кафеларда, оддий тўйхоналарда тўй ўтказгиси келмай қолди.

Бир вақтлар бешик тўйлари ўн-ўн беш нафар хотин-халаж иштирокида ўтказиларди. Энди бешик тўйлари ҳам уйлардан рестороанларга, тўйхоналарга кўчди. Ҳатто келинлар учун ҳайит пайти тоғорадан ташқари телевизор музлаткич, кир ювиш машинаси ҳам совға қилинадиган бўлди.

Ахир, бир кунлик тўйга кетадиган харажатлар фарзандларимиз келажаги учун қай даражада асқотяпти, шу ҳақда ҳам ўйлаб қўришимиз керак-ку. Зеро, тўйлар миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида фарзандларимиз маънавий дунёқараш шаклланишига хизмат қилади. Шундай экан, дабдабага ўз бўлмасдан, маъракаларимизни меъёрида ўтказишга ҳаракат қилайлик.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

Ҳидоят ЖўРАЕВА

ДУНЁГА БОҚ, ҚАДДИ СЕНДЕК КИМ БОР ЯНА, ХАЛҚ БЎЛИШГА ҲАДДИ СЕНДЕК КИМ БОР ЯНА.

Муҳаммад Юсуф қўшиқлари билан эмас, аввало халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди.

Муҳаммадҷон камдан-кам туғиладиган истеъдод эгаси бўлиш билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат эгаси — шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди. У шуҳратнинг эмас, шуҳрат унинг ортидан қувиб юрарди. Муҳаммад Юсуф бахтли, омадли шоир. Унга мустақил юртини, озод халқини кўриш насиб этди. Ва бу юртдан бир умр бурҷдор эканини хис қилиб яшади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

БИЗ БАХТЛИ БЎЛАМИЗ

Майли-да, кимгадир
Ёқса,
Ёқмаса
Уларга қўшилиб
Йиғлашармидик.
Биз бахтли бўламиз
Худо хоҳласа —
Худо хоҳламаса
Учрашармидик...

Райҳон ҳилларингни
Йўлларимга сеп,
Кут мени,
Ҳар оқшом,
Кўкка ой чиққан.
Фақат,
Йиғламагин,
Гуноҳим не деб,
Айбинг —
Онани сени
Чиройли туққан!..
Менга
Бир табассум
Ҳади эт, эй ёр,
Нур томсин
Лабларинг
Соҳилларидан.
Ўзинг айт,

Сендай қиз
Яна қайда бор,
Киприклари узун —
Кокилларидан?..

Ийманиб яшама
Хаёл пинжида,
Ёйил,
Яйра жоним,
Ўртанма ғамда.
Ғийбатларга чида —
Тухматга чида,
Сен биттасан, ахир,
Ёруғ оламда.

Мен эса
Ошигинг сенинг —
Энг ғариб.
Тундан сўз
Қарз олиб,
Тонгта тутувчи.
Сенинг ёнингда ҳам
Сени ахтариб,
Сенинг ёнингда ҳам
Сени кутувчи.
Иста,
Тиз чўкаман
Ҳозир олдингда,
Севдим,
Севганимдан

Уялмоқ нечун.
Барча фаришталар
Сенинг қалбингда,
Ижарада турган

Қизлар мен учун!..
Биз бахтли бўламиз
Худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса,
Учрашармидик?!



Ватан ҳақида жуда кўп ёзилган. Ёзилгани яхши, албатта. Бироқ ёзмоқ билан ёзмоқнинг фарқи бор. Муҳаммадҷон укамиз бир шеърда "Юртим, сени иддаолар қилмай севаман", деб айтганида қанчалар ҳақ эди. Дарҳақиқат, у ўз элини, халқини, Ватанини чин фарзанддай, бегараз, сидқидилдан яхши кўрар эди. Шу меҳрининг натижаси ўлароқ, унинг шеърини ҳам худди шундоқ беминнат ва бегараз шеърини сифатида майдонга келди. Ва бу оқдўнтил, осмонқалб укамиздан худди шундай шеърини ёдгор қолди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

ШААБЛАР МАДҲИЯСИ

Алп ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна макон,
Қалқонлари, қанотлари илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг!

Тахтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган,
Аждодингиз уй қурмаган — Давлат қурган.
Юрти учун елкасида тоғлар сурган,
Рустамлари, Фарҳодлари, илм истанг.

Кўз очганда кезиб етти баҳри уммон,
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.
Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон —
Бобурлари, Бехзодлари, илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,
Ҳақ йўлида ҳидоятчи, ҳимматлари,
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,
Ихлосингиз, шаҳдингиздан шиддат ёғсин.
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин —
Она Ватанажотлари, илм истанг!..

Алп ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,
Озод элнинг қанотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг!

КЕТИМ ҚОЛДИМ...

Кетдим уйдан, кўнмай қийнов-қистовга,
Дедим: — Она, айтиб қўйинг ановга.
Момосини кўрсатаман агар у
Мен йўғимда тегиб кетса бировга...

Нима қилсам шеър ишқиди қилдим мен,
Шеърини деб йиғладим мен, қулдим мен.
Орзуларим осмон қадар бўлса ҳам,
Мендан шоир чиқмас экан, билдим мен.

Билдим, илҳом излаб шом-у сахардан,
Шеър азоби ёмон экан захардан.
Юрагингда бўлмаса гар шоирлик,
Наф йўқ экан ҳар қанақа шахардан.

Аммо уйга қайтай десам, биз қолиб
Гулдай қизин кучоғига муз солиб,
Тишларини қайраб бутун қишлоқда —
Қўшни турар қўш тизига туз солиб...
Момосини кўрсатаман келса деб.

ХИРМОНДАГИ БОЛА

Бундай қарамагин, чақалоқ.
Мен ҳалол одамман ҳар ҳолда.
Чайқаларди ҳар йил кузда менинг ҳам
Беланчагим шу букри толда.

Ёрилган қўлларга термулиб юриб,
Шу ялпиз далада мен ҳам бўй етдим.
Кейин шеър йўқлади тушимга кириб,
Кейин ўзим йўқлаб Тошкентга кетдим.

...Навоий сатрига термулиб юриб,
Туйдим жамолини бу кўҳна элим,

Кейин сен изладинг тушимга кириб,
Кейин ўзим излаб ёнингга келдим...

Бундай қарамагин. Бундай қарамагин.
Сен худди ўзимсан хирмондаги бола.
Менинг майли шодон, менинг майли ғамгин
Энг гўзал сўзимсан хирмондаги бола!

Мен келдим шул шаффоф сўзимни топиб.
Мен билдим, юракдан Ватанини севмоқ —
Беланчақ осилган толларни ўпиб,
Чақалоқ кўзига ҳалол термулоқ...

МАДИНА

Мадина, Мадина, нега йиғлайсан,
Менинг асал қизим, қачон ухлайсан?
Иситманг тушмади, тополмадим дори,
Тинмади чақалоқ жонингнинг зори,
Ярашмас яшамоқ нокаса ёлвориб,
Чида, ёруғ тонгинг кутамиз, қизим
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Сен йиғлоқ туғилдинг, мен ёзолмадим,
Ёзган шеърини ҳам битказолмадим,
Аммо ишон ахир, булбул юрагим,
Мен уни бекорга ўтга солмадим,
Бу ёруғ дунёда менинг қолар изим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Иккала қўлимда сенинг бешингиз,
Кўнглимда кўнглингиз шаффоф кўшигинг.
Туларимга наво қайтар куним бор,
Сенга ардоқ сўзим айтар куним бор,
Қалбимни шудгордек ҳайдар куним бор.
Йиғлаб ёздирмасанг айланай ўзим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Шоир шундай кўпки, уларга ер тор,
Ҳаммаси машхур ва ҳаммаси номдор,
Улуғвор, уларга етмоқ кўп душвор,
Аммо улар ойга босиб юзини
Турганда, осмонни бағрига илк бор
Биз олиб боргаймиз тупроқ исини,
Гулдай димоғига тутамиз, қизим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим,
Йиғлаб ёздирмасанг айланай, ўзим.

Оқ тан, қора тан
Ҳаммаси
Ҳазрати инсон бўлади...
Олам гулистон бўлади...
Бир кун...


Шоирлар-чи, бобо,
Шоирлар нима бўлади?
Шоирларнинг шодликдан
Юраклари ёрилиб ўлади!

НУРЛИ УМР КИТОБЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адиб» нашриёти томонидан нашрга тайёрланган «Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида» китоби ҳам босмадан чиқди. Китобдан атоқли адабиёт ва санъат намоёндалари, таниқли бастакор ва ноширлар, хонанда ва санъаткорлар, шунингдек, шоир билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлган ижодкор дўстларининг Муҳаммад Юсуф ҳаётига доир ёрқин хотиралари, дил изҳорлари ўрин олган.



БИР КУНИ

Бир кун,
Бир алвон
Замон келди,
Замин узра
Омон-омон бўлади.

Ўн йилми,
Юз йилми ўтиб орадан,
Урушлар,
Низолар кетиб орадан,
Тўплар
Адирларда бугедай ўради,
Танклар
Далаларда пахта теради
Миллатлар,
Элатлар,

Эл ардоғидаги шоир

Биз, адабиётга ўтган асрнинг 70-йиллари бошида келганлар Муҳаммадҷонлардан олдинги авлод эдик. Узимизга маҳлиёлигимиз ҳали бизни тарқ этмаганди. Шу боисдан ортимиздан келаятган ёшлар эътиборимизни кўп ҳам тортавермасди. Орадан йиллар ўтиб, умидли ёшлар адабиётнинг кенжа авлоди сифатида шакллана бошлади. Муҳаммад Юсуфнинг ҳам шеърлари матбуотда тез-тез чиқиб турарди. Бир кун уюшмада уни кўриб қолдим. Сўрашдик, гаплашдик. Кейин Муҳаммадҷон: "Янги шеърлар ёздим, ўқиб берайми?", деди. "Жуда яхши-да" дея мен уни хонамга таклиф қилдим. У кўйиндан бир даста шеър олиб, бир-бир ўқий бошлади. Ўқиган охириги шеъри шундай яқунланди:

Кўнглим сезар, энди бугега аён,
Дўстларим, дўстларим, бахтли боламан:
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, арик бўйида
Ялпизга суяниб ўлиб қоламан...

Бу сатрларни эшитиб этим жимирлашиб, мутаассир ҳолатда бир сўз демай, унинг юзига боқдим ва унинг нур балқан чехрасида "шоир" отлиг қисмат муқрини аён кўрдим. Мен унга маъюсликка, ғуссага кўп ҳам берилманг дейдим, холос. Шеърлари менга ниҳоятда манзур бўлганини ҳис этиб, Муҳаммадҷон уларни чўнтагига қайтиб солди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.
Кўп ўтмай Муҳаммад Юсуф номи машхур бўла бошлади. Айниқса, "Самарқандга борсам мен агар..." "Ватаним", "Кўкламойим", "Меҳр қолур, муҳаббат қолур" шеърлари қўшиқ қилиб айтилгандан кейин. Тез орада ҳамманинг қалбини забт этди.
Муҳаммад Юсуф тинимсиз изланишлари асосида қалб туйғуларни ҳам, халқ дилидаги орзу-умидларни ҳам нозик ва чуқур илғай оладиган, қоғозга ҳароратли, қуйма сатрлар билан тушира биладиган шоир мақомига кўтарилди. Буни бир сўз билан ҳассослик, дея аташ мумкин. Муҳаммадҷон ёш бўлишига қарамай, миллатнинг ҳассос шоирига айлан-

ди. Бу унинг ўзига хос овозида, бетақрор оҳанглирида, беқусур бадииятида ёрқин акс эта бошлаганди. Бу даврга келиб жаҳон шеърлигидаги турли оқимлар, тажрибалар, жараёнлар бизнинг шеърлатимизда ҳам бўй кўрсатаётганди. Масалан, япон шеърлигидаги ҳокку, танка услубида ёки испан канта-хондалари оҳангида шеър битувчилар кўп бўлди. Лекин Муҳаммадҷон ижодиди бундай эврилишларни, тажрибаларни қузатмаймиз. Аксинча, у ҳеч кимга эргашмаган ҳолда кўнглидаги "сеҳрли куш"ни (устоз Абдулла Орипов ибораси) сайратишдан тинмади. Зеро, унга бу оҳангни табиат ато этган эди, унда бу оҳанг тўғма эди. Шу боисдан ҳам ҳеч кимга эргашмаган, халқона туйғуларни илк шеърларидан бошлаб ижодига чуқур сингирган шоир истиқлол куйчисига айланди. Муҳаммад Юсуф Озод Ватани, буюк элни мадҳ этиб, алқаб ажойиб шеърлар битди. Улар китобийликдан йироқлиги ва халқ қалбига яқинлиги билан давр қўшиқларига айланди.

Ҳар қандай ижодкор учун бундай мақомга кўтарилиш осон кечмайди. Нафақат осон кечмайди, кўпларга насиб ҳам этмайди бу мартаба, бу шараф. Бир шеърда шоир шундай ёзади:

Бир кўлимда гул эди,
Бир кўлимда пул эди.
Бироқ энг катта давлат,
Мен учун кўнгли эди.

Муҳаммадҷон ҳар қанча олқишга сазовор бўлмасин, кўнглини ҳамма нарсдан баланд қўйди, мусаллоқ тутди. Бу самимиятини унинг онасига атаб битган, қизлари саодатини орзулаб ёзган маъсум мисраларида кузатиш мумкин. Шоирнинг самимияти яна шунда кўриндики, у ўзига нисбатан каттиққўл, муросасиз эканлигини ҳам шеърларида ошкора таъкидлайди. Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини ўқирканман, бундай мисраларни

битмоқ учун нафақат закий истеъдод, жўмард қалб, балки танти юрак ҳам керак, деган фикрга келаман. Бу борада шоир қалбидаги гурурни, ифтихор туйғусини ҳар бир шеърда вобаста қила олган. Айни чоғда у ўзини таъма шиквасидан, мадҳиябозликдан ҳаминша эҳтиёт қилди.

Шоирлар турли феълли, турфа атворли бўлади. Кимлардир фақат шеър ёзганда шоир. Кимлардир шеър ўқиганда. Муҳаммадҷон эса ҳар лаҳза, ҳар соат, ҳар қачон ҳам шоир эди. У ҳаминша туйғулар виқори билан яшар эди. Агар гўзал лутфни-да шоирликнинг бир аломати десак, у бу борада ҳам беназир эди.

Муҳаммад Юсуф ёниб шеърлар битди, ҳаминша сурур билан, илҳом нашидаси билан яшади. Бу камдан-кам шоирга насиб этадиган саодатдир.

Мирпўлат МИРЗО

Бугун "Туркистон" саройида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтади. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманининг Пушкин-Солор кўчасидаги шоир яшаган 1-уйда ёдгорлик лавҳаси очилади.

Алишер Навоий ижоди оламини ўрганиш ва тадқиқ этиш мақсадида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Газетамиз саҳифаларида имкон қадар уларни ёритиб боришга ҳаракат қиляпмиз. Жумладан, тадқиқотчи Бобомурод Эралиевнинг улуғ шоиримиз "Фарҳод ва Ширин" дostonига бағишланган изланишлари туркум мақолалар тарзида ҳафталигимиз саҳифаларида босилаётганидан хабарингиз бор. "Фарҳоднинг ташрифи" мақоласида ("ЎзАС", 2012 йил, 20 январ) Фарҳоднинг туғилиши, ишқ ва дард тимсолига айланиши мавзуси ёритилган бўлса, "Тўрт қаср шарҳи" мақоласида ("ЎзАС", 2012 йил, 8 июн) Фарҳодни дарддан фориг этиш мақсадида тўртта муҳташам қаср қурилиши ва унда уюштирилган зиёфат тафсилотларига доир талқинлар берилган. "Тўрт тимсол шарҳи"да ("ЎзАС", 2013 йил, 1 феврал) Фарҳоднинг мажозий ишқ оламига кириш олдида йўлида учраган тўсиқ-ғовларни енгиб ўтиши, "Мажозий ишқ талқинлари"да ("ЎзАС", 2013 йил, 31 май) Фарҳоднинг Ширин билан учрашуви, мажозий ишқда хусн ва дард масаласи тафсилотлари шарҳланган. Куйида Б.Эралиевнинг "Фарҳод ва Ширин" дostonи таҳлилига бағишланган навбатдаги мақоласи билан танишасиз.

ТАХРИРИЯТ

Сукрот айтганидек, қалб ойнасини поклаган Фарҳод ишқ йўлида дуч келган тўсиқ-ғовларни мардонавор енгиб ўтгани учун мажозий ёр — Ширин висолига етиш-

кўрсатмаси бўйича манзилларда учраган аждаҳо, Ахриман ва темир пайкар устидан голиб чиқиб, нафсоний покликка эришгани ва кўзгу тилсимини очиб, унда Ширин

лар орқали Шириннинг бир айби борлиги, яъни унинг ҳузурда эр отини тутиб бўлмастлигини айтади. Хусравнинг совчилари эса, Шириннинг Фарҳоддек тошйнар, телба бир йигитни яхши кўришини, бу муҳаббат довриги бутун эл-юртга маълум эканини рўқач



Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

Деди: руҳ эрмас эрди танга пайваст.

Навоий ушбу сўхбат орқали Фарҳод билан Хусравнинг маънавий олами, ақл-такомили ва ишқ тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларига очик-равшан таъриф беради. Хусрав зўравонлик орқали мақсадига ета олмаслигини билганидан кейин хийла-найранг ишлаб Фарҳодни асир олади ва уни занжирбанд қилиб, Салосил кўрғонига қамаб қўяди. Фарҳод бу кўрғонда Сукрот таълим берган "исми азам"ни ўқиб занжирларни узади, кўрғон атрофида бемалол айланиб юради, даштга чиқиб, парранда ва даррандалар билан улфат тутинади:

Сулаймонваш чекиб ул ерга поя,
Ки қушлар тортибон бошига соя.
Қилиб ишқ йўла шавкат раҳнамунни,
Ки шери шарзани айлаб забунни.
Бўлуб ул гоҳ шер устига рокиб,
Сибю ваҳш анга хайлу мавокиб.
Замони бабру қоплондин бўлуб шод,
Қилиб дилдор қўйин итларин ёл.

Хусрав Фарҳоднинг кўнгли каромат нури билан йўғрилганини пайқайди. Лекин гурури ва ҳавойи нафси бу ҳақиқатни тан олишга тўсқинлик қилади. Шу ваҳдан ишқ йўлидаги рақибини зўрлик ва дўқ-пўписа билан енга олмагач, бу ишга фалак золи — хийлагар кампирни ёллади. Аслида фалак золи деб таърифланган бу хийлагар кампир афсона ва эртақларда баён этилган ёвузлик тимсолидан фарқ қилади. Достонда кампирнинг дунё тимсоли сифатида талқин этилишида катта маъно бор. Наф-

Навоий гулшани

фалак золи — кампир шу икки қушнинг парвозига шароит яратиб берди. Дунёнинг тарҳи шундай яратилган бўлиб, Фарҳод ва Ширин камолот босқичига кўтарилиб, эмин-эркин парвоз этиш бахтига муяссар бўлса, Хусрав каби нафс қулига айланган ошикларга мажозий ишқ майдан тотиш насиб этмайди. Фаридиддин Аттор айтганидек, ўзини юз балага гирифтор этишдан бошқа нарсага эришмайди. Навоий Фарҳод ва Хусрав образини бир-бирига зид маънода талқин этиши айтиш шу фарқни кўрсатиб бериш, шунинг баробарида мажозий ишқ такомил натижасида ҳақиқий ишқ остонасига қай тариқа етиб бориши ва ваҳдат ҳосил бўлишини образли тарзда чизиб беришдан иборат:

Гар ул ишқинда хирмон бирла кетти,
Вале ишқи камолдин собит этти.
Вужудин ўртаб ул сўзу гулдози,
Ҳақиқатқа бадал бўлди мажозии.
Тутуб соқий ваҳдат жомин тавфиқ,
Насиб айлади ҳақ роҳи таҳқиқ.
Бақо гулшанида султонлиққа этти,
Ҳақиқат мулкида хонлиққа этти.

Кўриб ўтганимиздек, мажозий ишқ бўлоғини очиб учун дастлаб дард бўлиши керак. Дард бўлган тақдирда ошиклик чинакам ва ҳақиқий тус олади. Шунингдек, дард бўлган маҳалда ошик қалби ва руҳиятида покланиш жараёни кечиб, ошик бу йўлда учрайдиган ғов ва тўсиқларни мардонавор енгиб ўтишга бел боғлайди, машаққат юқини елкасига олади. Яна шунинг унутмаслик керакки, мазкур достонда баён этилганидек, хусн бўлган тақдирда дард ҳаракатга тушади, ўз бағрида турган ишқ чечакларини намоеън этишга интилади ва мажозий ишқни ҳақиқий ишқ сари олтиради. Шу маънода айтадиган бўлсак, дард ва хусн эгизакка ўхшайди, уларнинг бир-бирдан ажралишини тасаввур этиб бўлмайди. Агар дард мавжуд бўлса, у хуснни қидириб топади, шу хусн туфайли мақсадига восил бўлади, ўз навбатида, хусн ҳам дард бўлмаган тақдирда ҳеч қандай маъно касб этмайди. Арман мамлакатидеда тоғда ариқни қазийди қийналиб турган одамлар Фарҳоднинг ташрифидан кейин бирдангина ҳаракатга тушиб, ишларни унум бўлиши хусн дарднинг кутиб турганини аниқлатади. Дард келиши билан хусн ҳам ўз вазифасини адо этиши киришади.

Навоийнинг санъаткорлиги шундаки, Фарҳод, яъни дард бўлган тақдирда ички душман — нафс аждаҳоси, Ахриман дев ва темир пайкарни енгиб ўтиш насиб этади, Сукрот ҳақим даргоҳига бориб, мажозий ишқ таълими олинади. Дард бўлган тақдирда ички душмандан халос бўлиш орқали ташқи душман — Хусрав устидан галаба қозониш қийин бўлмайди. Шулардан хулоса чиқариб, Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" дostonини йигит-қизнинг севги-муҳаббатини тараннум ва васф этишга бағишлаган, десак тўғри бўлармикан? Кўриб ўтилганидек, бу асарнинг маъно-моҳиятига етиб бориш ва уни ҳақиқий ҳолича тасаввур этиш ўқувчидан муайян илмга эга бўлишни талаб этади. "Фарҳод ва Ширин" дostonи устида олиб борилган мазкур тадқиқотимиз бу асар оламига кириб бориш ва уни кашф этиш йўлида, айтиш жоиз бўлса, бир уринишдан иборат. Ҳали бу асарни янада теранроқ тадқиқ этиш борасида изланишлар давом этиши шубҳасиз.

Бобомурод ЭРАЛИ, тадқиқотчи

МАЖОЗИЙ ИШҚ БУЛОҒИ

ди. Аммо Фарҳод ва Ширин севги-муҳаббати ҳамда унинг шавқ-завқи муваққат ва фоний экани тақдир азал дафтарига битиб кўйилган: "Висол ичра етишмай ошнолиғ, Фалак солди аро ерда жудолиғ".

Манбаларга таяниб мажозий ишқ ҳақиқий ишқнинг сояси, мажозий ишқ — восята, унинг самараси ҳақиқий ишқ, дейдиган бўлсак, бунда ҳам авом ишқиде бўлганга, висол қанчонга ўрин бўлшати беради. Яъни қасрда Фарҳодга аталган зиёфат чоғида Ширин пайдарпай қадаҳ тутиб, унинг кўнглини хушнуд этади. Фарҳод бу учрашувдан руҳланади. Нозик томони шундаки, у айш-ишрат учун қасрда қолмасдан, достонда айтилганидек "бало тоғи"га жўнайди. Бироқ чархи кажрафтор ўйин кўрсатиб: тақдир ёрғучида ҳажр захрини туйиб, ошик-маъшук ўйнаётган шаробга билдирмасдан ташлаб қўяди: хукмдор Хусрав Парвез тожу тахтига муносиб меросхўр қолдириш ниятида уйланишга қарор қилади ва ўзига муносиб ёрни қидиради. Ҳар тарафга отланган одамлари Арман юртида хусну жамолда тенги йўқ Ширин деган қиз борлигини хабар беради. Аммо шох жўнатган совчилар Мехинбонундан рад жавобини олиб қайтади. Хусрав Ширин билан Фарҳоднинг ошик-маъшуклигини эшитиб, қандай қилиб бўлмасин, ошикни йўлдан олиб ташлаш режасини тузади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, асарнинг олдинги боблари талқинида Арман юртига келишдан олдин Фарҳоднинг Сукрот

жамолини кўришга муяссар бўлганини айтиб ўтган эдик. Тақдирнинг синов-имтиҳон босқичларидан муваффақиятли ўтиб келаятган Фарҳод мажозий ишқ йўлини тутган ошик мақомига кўтарилди. Аҳамият берилса, Хусрав ҳам Ширинга севги-муҳаббат изҳор этиб, ўзининг унга муносиб ёр эканини даъво қилади. Демак, Фарҳод ҳам, Хусрав ҳам Ширин висолидан умидвор ва даъвогар ошик, "Маҳбуб ул-қулуб" асарига: "Мажозий ишққа бир маҳбуб бўлғай, анинг ишқиде беҳуд ва мағлуб бўлғай", дейилганини инобатга олсак, хослар ишқ-муҳаббатиде ҳам авом ишқига хос ошик ҳолатига ўхшаш "бир маҳбуб" тақозо этилади; хослар билан авом ишқ-муҳаббатининг руҳий ҳолат, кечинма ва дарду изтиробларида, зохирий жиҳатдан олиб қараганда, бир-бирига ўхшашлик, мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо бу икки ишқ турида мақсадлар бошқа-бошқа эканини унутмаслик керак. Шу маънода, Хусрав ва Фарҳоднинг қайси ишқ турига мансуб ошик эканини ажратиб олиш қийин эмас:

Букун Фарҳод ул озодлашадур,
Ки йўқлук боласидин журьяқашдур.
Фано ўти аро алоққи хошюк,
Вужуди хирманни пок ўртганим пок.
Бўлубтур ўйла ҳақ зотига фоний,
Ки йўқтур анда ўзлукнинг шишонин.
Бу ашъё ичраким бўлғай мажозий,
Кўрар маҳзарин ҳар ён бўлса нозир.

Улкан тожу тахт эгаси Хусрав совчиларини жўнатганда Мехинбону чиройли ишора-

қилиб, Мехинбону айтган сўзларни рад этади. Хуллас, Ширинни никоҳига олмоқчи бўлган Хусрав Мехинбонунинг имо-ишора билан берган жавобини тўғри фахлламайди. Табиийки, у Фарҳодни авом ишқи мақомидега ўзига ўхшаш ошик деб ўйлайди.

Ширинга совчи юбориб, мақсадига осонликча эриша олмагандан кейин Хусрав зўравонлик, дўқ-пўписа ва таҳдид орқали ниятига етмоқчи бўлади. Ҳатто Арман юртига катта қўшин тортиб, Мехинбону билан Ширин турган қалъани қамал қилади. Фарҳод унинг йўлига бир ўзи тўғаноқ бўлиб, қарши чиққанида Хусрав уни назарга илмайди. Бундан аён бўладики, у мутакаббир, калондимоғ ва куч-қудратига ишонган шох бўлишдан ташқари, ошиклик даъвоси билан қандай бўлмасин Ширин васлига етиш чораларини қидиради.

Фарҳоднинг ёлғиз ўзи катта қўшинга тенг келолмаслиги ўз-ўзидан аён. Аммо бир нарсани тўғри тушуниб лозимки, Навоийнинг мақсади бу тасвир орқали икки турдаги ишқнинг бир-бирдан фарқини очиб бериш, яъни авом ишқига мансуб ошик қанчалик куч-қудратга эга бўлмасин, барибир хослар ишқи мақомиде турган ошик билан тенглаша олмаслигини воситалар орқали тасвирлашдир. Фарҳод нафсоний покликка эришгани учун Хусравдан ҳар жиҳатдан устунлигини хатти-ҳаракатлари ва ишқ хусусидаги баҳс-мунозарасида англатиб туради:

Дедиким: қуймагинни айла маълум!
Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!

соний покликка эришган Фарҳодга дунё кампир қиёфасида кўринади. Хусрав эса шу кампир — дунёнинг макр-хийласи воситасида Фарҳодни мағлуб этади. Кампир минг бора синовдан ўтказган хийласини амалда қўлаб, Фарҳодни бу оламдан кетишга мажбур қилади. Қолаверса, Фарҳодни дард тимсоли деб атаган эдик. Дард ва хусн учрашишдан мажозий ишқ амалга ошади, ўз навбатида, у қалб ва руҳни ҳақиқий ишқ даргоҳига тайёрлади. Дарднинг вазифаси шундан иборат эди. Ўз вазифаси ва хизматини бажариб бўлганидан кейин дард кетиши керак, унга ҳамроҳ хусн ҳам ўз вазифасини адо этиганидан кейин заволга ўс тутади. Шунинг таъкидлаш лозимки, дард ва хуснни бир-бирдан ажратиб бўлмайди:

Фироқда букунлук тонгалайкимен,
Ғамидин ўйлаким, сувсиз баликмен!
Балиқ холи бу бўлғай сувдин айру,
Ки толинмоқдин ўлғай истабон су.
Анинг ҳажрида толинмоқ шимдур,
Чу толиндим, ўлуб тинмоқ ишимдур.

Мажозий ишқ улкан денгизга қиёсланса, бу ишқ йўлидаги ошик-маъшуклар унда сувсиз юрган балиқларни эслатади. Қачонки, шу денгиздан бири чиқарилса, иккинчиси қуруқликка ташланган балиқ ҳолига тушади. Мавлоно Жалолиддин Румий таъбири билан айтганда, иккита тирик қуш бир-бирига боғла бўлиб, кўкка парвоз эта олмайди. Гарчи қанотлари тўртта бўлса ҳам. Чунки иккилик мавжуд. Шу иккилик йўқолса, ҳар иккиси ҳам парвоз эта олади. Зеро, орада иккилик қолмайди.

Шу фикр-мулоҳазаларга таяниб айтадиган бўлсак, Фарҳод ва Ширин, яъни дард ва хуснни мажозий ишқ бу оламда икки қушдек жуфтлангандан кейин дунё тимсоли сифатидаги кампир бирини парвоз эттиргач, иккинчиси ҳам илоҳисиз унга эргшиб, изидан парвоз қилди. Бундан кўринадики,

Қуёш биз томонда

Ҳозирги замон ўзбек шеърятининг истеъдодли вакилларида бири Вафо Файзуллох шоир, таржимон ва адабиётшунос сифатида баракали ижод қилиб келмоқда. Унинг "Мангу лаҳза", "Хут", "Хабарсиз севинч", "Жон йўли" номли шеърӣ тўпламлари шеърӣят мухлислари эътиборига тушган.

Вафо Файзуллох таржимон сифатида Бодлер, Верлен, Рембо сингари шоирларнинг шеърларини, М.Митерлиннинг "Сўқларлар" драмаси ва Ф.Кафканинг "Жараён" романини ўзбек тилига таржима қилди. Л.Толстой, С.Есенин, М.Булгаков, А.Қодирий, Чўпоннинг ижоди, асарлари ҳақида мақолалар ёзди.

Вафо Файзуллох ижоди ҳақида сўз юритганда, унинг самимийлик йўғрилган оҳорли фикр-туйғуларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. У нимадир дейиш ёки нимадир ифодалаш учун асар битмайди. Фикрни оҳорли ифодалаш эвазига туйғуларни чеклаб ҳам қўймайди. Албатта, ҳар бир шеърда ўз оҳангини сақлайди. Қалб тугёни ва мантӣқ ҳамда уларни ўзига сингдирган ташбехлар тизими шоир маҳоратини белгилайди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан нашр

этилган "Азалий ғусса" тўпламидаги шеърларини ўқиб, шоирнинг бошқаларникига ўхшамайдиган бадий ифода йўсинига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Шеърлардаги рангин ташбехлар тилсими китобхоннинг ҳайратини оширади. Уларда зўракилик ёки сунъийлик йўқ, самимийлик ва санъаткорлик намоеън.

Осмоннинг рангига қўшилган ранглар,
Олмалар хидини ҳидлайди тутиб.
Қишлоқ, Бошланади пистоқчи жанглар,
Яшмайди улар баҳорни қутиб.

Шеър "Қуз ва баҳор оралғида" деб номланган. Номиданоқ маълумки, қаламга олинган ҳар икки фаслнинг оралғида киш туриб-

Китобингизни ўқидим

ди. Аммо шоир уни алоҳида таъкидламайди. Буни китобхон ўзи шуури орқали ҳис этади. Тиниқ осмон рангига уйғун яшиллик ва шу яшиллик тугадиган олмалар хидини ҳис этиш иштиёқи қалбга оқиб қиради. Олмалар хидини ҳидлаш келажакка бўлган ишончини юракка муҳрлайди гўё. Зеро, шеър якунида худди шу ишонч руҳи янада юксалади.

Вафо Файзуллох шеърларига хос муҳим хусусиятлардан бири шундаки, уларни мутолаа қилганда, китобхон беихтиёр ҳар бир сўзга юкланган маъно-мазмунни англашга эътиборини қаратади...

Дунёнинг оқлиги ва ёруғ кунларни етаклаб келишига ҳар доим қалбан иқроғлигимиз тайин. Ҳам зоҳирий, ҳам ботиний мақсад — Ватан улуғлигини, миллат юксаклигини қуйлаш. Шоир шеърларида бу мавзу лирик қаҳрамони

юрагидаги тугён сифатида акс этади.

Турналари баҳор элчиси деймиз. Ҳар йили кўкдам келганида турналарнинг кўкда қийқириб учини ички бир орқиқш билан кузатамиз. Бу гарчи болалиқдан таниш манзара бўлса-да, барибир уларнинг овози ҳар йили қалбларга ҳажон солаверади.

Турналарнинг хуржунлари тўлган баҳорлар,
Олиб келинар, олиб кетилар, йиллар майдонда.
Ҳаёлларнинг софликлари бўлиб галаба,
Қуёшнинг ўзи ҳам бизлар томонда.

Вафо Файзуллох шеърларини ўқиб, шоирнинг тафаккур ва сўз уйғунлигини, тил имкониятларини теран ҳис этишига амин бўламиз. Айрим шеърларида маҳзун оҳанглар устувордек, армон ранглари қуюқроқдек туюлади. Лекин бу асло тушқунлиқдан далолат эмас. Аслида ғамгинлик ва армон, қайғу ва изтироб ортида энг буюқ туйғу — ҳис-ҳаяжон, келажакка ишонч, саодатли кунларга интилиш ва етишиш, орзу-ниятларнинг эзгулиги мужассам:

Оппоқ дала, руҳим орқиқди,
Ҳеч нимадан камин йўқ ...ишон!
Покизалик кўмган борлиқни
Лаҳзасида орзу ва армон.

Вафо Файзуллох шеърни, сўзни теран англаган ва унга мўъжиза деб қарайдиган ҳасос шоир. Бунга шоирнинг "Азалий ғусса" тўпламидаги шеърлари мутолаасида ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ, филология фанлари доктори

Журналларни варақлаганда

"ШАРҚ ЮДУЗИ" 2014 йил, 2-сон

Журналнинг ушбу сони Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримовнинг иқтидорли ёш қаламкашларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги мақоласи билан очилади.

Наср ихлосмандлари таниқли адиблардан Тоҳир Маликнинг "Ҳазонрезги", Анвар Обиджоннинг "Ажинаси бор йўллар", Исажон Султоннинг "Онаизорим" киссаларини, Абдунаби Бойқўзининг "Тешикмозор хангомалари" ҳажвий киссаси ҳамда Дурбек Қўлдош, Гулноза Одилова ҳикояларини ўқийдилар. Турли жанр ва услубларда битилган бу асарлар муайян маънода бугунги ўзбек насридаги изланишларни ўзиде акс эттирган.

Шеърятимизнинг турли авлодига мансуб шоирлар — Энаҳон Сиддиқова, Фулом Мирзо, Ҳанифа Солиҳова, Чоршамъ, Жумагул Сувонова, Кенжабий ва Равшанбек Мирзаалимовнинг туркум шеърлари, шунингдек, қорақалпоқ ёшлари ижодидан танланган шеърлар муштарийларга бир олам завқ-шавқ улашини тайин. XIX асрда яшаб ижод қилган, шеърӣи истеъдоди жиҳатидан Нодира, Увайсийлар даражасида"ги шоира

Самар Бону ижодидан берилган бир туркум газал шеърӣят мухлислари учун бир туҳфа, дейиш мумкин.

Шарқ мумтоз адабиёти намуналари — Ибн Синонинг "Ишқ ҳақида рисола"си, Румийнинг "Маънавий маснавий" асарининг Одил Икром амалга оширган янги таржимаси, гарблик улуғ файласуф Гегелнинг "Эстетика" асари давоми, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Турсунов билан ёзувчи Орзиқул

Эргашнинг адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрни мавзусидаги суҳбати журналнинг ушбу сони мундариҳасига ҳам қўлам, ҳам теран маъно-мазмун бағишлаган.

Адабиётшунос олим ва тадқиқотчиларимиздан У.Норматов, А.Расулов, Д.Қуროнов, З.Исомиддинов, Ш.Аҳмедова, Ф.Олимов, Д.Бозоровнинг мақола ҳамда тадқиқотларида мумтоз адабиётимиз, бугунги ўзбек насри ва назмидаги изланиш жа-

раёнлари, захматкаш олимларимиз ҳаёти ва илмий фаолияти, адабий жараённинг баҳсли муаммоларга доир кузатишлар, фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Машҳур шоир Расул Ҳамзаатовнинг шеърларидан ёш ижодкор Ориф Толиб таржималари, таниқли болалар шоири Олқор Даминнинг янги шеърлари, "Ижодий мусобақа" рукни остида берилган бир воқеа асосида ёзилган Т.Адашбоев, О.Эргаш ва У.Ҳамдамнинг ҳажвий асарлари ҳам мухлислар томонидан қизиқиб билан мутолаа қилиниши шубҳасиз.



АЁЛ қўлларида айланади чарх...



Замонавий ўзбек кулолчилик санъатини моҳир уста Назира Кўзиева ижодисиз тасаввур қилиш қийин. У анъанавий ва замонавий кулолчилик санъатини уйғунлаштирган ҳолда ижод қилиб, миллий кулолчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Маълумки, кулолчилик билан асосан эркаклар шуғулланган. Чунки бу ҳунар кулолдан катта куч талаб қилади: лой пиштилади, чарх олдидан узок ўтиради, сўнг буюмлар тандирда тобланади.

Аслида Назира Кўзиева машаққати кулолчиликдан кам бўлмаган ҳайкалтарошликни орзу қилган. Ушанда рассомлик билим юртида ўқирди. Лекин, нимагадир, бўш вақтларида сопол буюмлар ясашни канда қилмасди. Театр ва рассомлик санъати институтининг кулолчилик йўналишида ўқиб, кулолчиликдан бахт топди, муҳлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Ҳақиқат бундан ташқари, ижод қилиш билан бирга Нукус шаҳридаги болалар бадиий мактабидан, санъат мактабларида ёшларга ўз ҳунарининг сир-асрорларидан сабоқ берди.

Назира тупроқни яхши кўради, у билан тилшади, тупроқ иси кўнгил нурларига қришиб, санъат асарига кўчади. У яратган ку-

Нигоҳ

лолчилик буюмларида аёл қалбининг тафти, назокати ва нафосати мужассам. Умар Ҳайём айтганидек:

Сен, мендан олдин ҳам тун-кун бор эди, Айланган фалак ҳам бутун бор эди. Тупроққа авайлаб қадминингни қўй, Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

Н.Кўзиева ушбу мисралар қатиди яширинган ҳикматни ҳамиша ҳис этиб ишлайди. Залворли чарх нозик жуссали бу аёл қўлларида мўъжизакор шакллар ҳосил қилади. Уста турли ўлчамдаги лаганларга ранг-баранг гулларни мароқ билан чизади. Ҳар бир ишида меҳр-муҳаббат барқ уриб туради.

Яқинда Халқаро маданият карвонсаройида шахсий кўргазмаси очилди. "Баҳорнинг сокин хушбўй ифори" деб номланган мазкур кўргазмадан муаллифнинг сўнгги йиллардаги ижод намуналари ўрин олган. "Онам хотирасига" деб номланган елиғич, "Гуллаётган пиёз", "Балиқ", "Йўллар", "Шудринг томчилари" каби безакли гулдонларда болалик хотиралари акс этган бўлса, "Жимжимадор коса", "Икар" композицияларида афсоналар жонланади. "Афсунгарлик белгиси"да хана фубуки деб аталувчи япон дарахтининг гуллаши акс этса, анор гулларига қиёсланиб ишланган хумчалар тўплами гаройиб манзара ҳосил қилган.

— Назиранин ижодини кўлдан буён кузатиб келаман,— дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аҳмадҷон Шоймуродов. —Унинг ижодий ишлари нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам шухрат қозонган. Замон руҳига мос ишланган асарлари шаклларнинг мутаносиблиги, безакларининг нафислиги билан томошабинлар эътиборини тортади. Назира ҳамма



вақт янгилик яратишга интилади ва ҳар бир кўргазмасида бунинг ҳис этиб тура-миз. Ҳайкалтарош сифатида кўргазма-га қўйилган ижод намуналарига сарфланган меҳнатнинг қадр-қимматини яхши биламан. Шубҳасиз, Назира ижодий фаолиги билан кулолчилик санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

— Қадимдан Бухоро замини тарихий обидаларию қўли гул ҳунармандлар яратган кулолчилик, қандақорлик, зардўзлик, заргарлик каби хилма-хил буюмлари ва шарқона бозорлари билан машҳур бўлган,— дейди Назира она. — Айниқса, шаҳарга салобат бағишлаб турган улугвор минораларни ҳайратланиб томоша қилардим, уларни турли қиёфаларга ўшатардим. Бу қиёфалар кейинчалик асарларимда акс эта бошлади. Кўргазмадаги ишларимда болалик орзуларимнинг бир қисми намён бўлган.

Дарҳақиқат, ўз асарларида хотираларини жонлантириб, дунёқарашини ифода этаётган моҳира кулолнинг рўёбга чиқишга шай турган орзулари беҳисоб. Демак, мўъжизакор чарх айланаверади...

Сарвара ҚОСИМОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шунингдек, тadbир доирасида ўзбек тасвирий санъатининг таниқли ва ёш намоёндалари ижоди билан кенг муҳлислар оммасини таништиришни мақсад қилиб қўйганмиз". Фестивалнинг очилиш маросимида эртақ қаҳрамонлари қиёфасида саҳнага чиққан актёрлар томошаси, ёш циркчиларнинг, доирачиларнинг чиқишлари, қизлар ансамбли ижросидаги "Тановар" рақси, кўғирчоқ театри актёрлари томонидан тайёрланган японча рақс, опера-мизинг таниқли солисти Нормўмин Султоновнинг яқка ижроси ва бошқа кўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Ўқувчи-талабалар намойиш этган атлас, адрес каби матолардан яратилган миллий ли-

кенг тарғиб қилинди. Миллий рассомлик ва дизайн, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтлари талабаларининг, республика Дизайн ва Рассомлик коллежлари, ихтисослаштирилган тасвирий ва амалий санъат мактаб-интернати талаба ва устозларининг кўргазмалари, анъанавий миллий либослар намойиши бунинг далилидир.

Ҳар доимгидек фестивал доирасида Япония маданият ҳафталиги бўлиб ўтди. Ҳафталик доирасида Камолитдин Бездод номидаги мемориал бог-музейда алоҳида экспозиция ташкил этилди, япон миллий либоси кинога бағишланган тadbир ўтказилди. Япон аппликация санъати ва хусниҳати бўйича ўтказилган маҳорат дарслари, японча чой дамлаш маросими байрам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳусейн АХВЕРДИЕВ, озарбойжонлик ҳайкалтарош-рассом:

— Мен доимо Ўзбекистонни бир кўришни орзу қилганман. Ибн Сино, Алишер Навоий, Улуг-

РАНГЛАРДА МУЖАССАМ ҲАЁТ

бослар баҳор гўзаллигига ҳамоҳанг тарзда дилларга қувонч бағишлади. Марказий кўргазмалар залининг биринчи қаватида самарқандлик уста кулол, академик Шариф Азимовнинг шахсий кўргазмаси намойиш этилмоқда. Иккинчи қаватда эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ижод қилаётган рассомлар ҳамда халқ амалий санъати усталарининг "Соғлом бола йили"га бағишланган асарлари намойиши бўлиб ўтди. Озарбойжонлик ҳайкалтарош-рассом Ҳусейн Ахвердиевнинг шахсий кўргазмаси муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу каби кўргазмалар пойтахтимизнинг бошқа гўшалари ва вилоятларида ҳам очилди. Беш кун давомидан концертлар, таниқли рассомлар, ҳайкалтарошлар иштирокида маҳорат дарслари, учрашувлар ўтказилди. Ёш рассомлар, ҳайкалтарошлар, ҳунармандлар ижодида алоҳида аҳамият берилди, уларнинг асарлари



Фестивал доирасида, шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган кўргазма, болалар асарларидан алоҳида туркум ташкил этилди. Бадиий академия китоблари ва тўпламлари ҳамда "Санъат" журнали тақдими ўтказилди.

бек каби буюк зотлар яшаб ўтган бу юртга ҳурматим баянд. Бадиий академия томонидан шундай катта фестивалга тақдир этилган айтиш мумкин бўлди. Бизда ўзбек рассомларини жуда яхши билишди. Уларнинг Озарбойжонда намойиш этган кўргазмасини муҳлислар ва мутахассислар яхши кутиб олишган. Ажойиб баҳор фаслида, кўёш ажиб бир нур таратиб турган кунда, шундай самимий ва бағрикенг одамлар даврасида бўлганимдан хурсандман.

Алишер МИРЗАЕВ, Ўзбекистон халқ рассоми:

— Очиги, фестивал руҳи, унинг миқёси одамнинг ҳавасини келтиради. Бунун кўргазмаларда, фестивал доирасида ўтказилаётган турли тadbирларда қатнашаётган ёш истеъдод эгаларини, улар муҳлисларга тақдим этаётган бир-бирдан гўзал санъат асарларини кўриб завқингиз келади. Айниқса, академик рассомлар, вилоятлар бадиий ижодкорлар уюшмалари рассомлари иштирокидаги маҳорат дарслари, озарбойжонлик меҳмон Ҳусейн Ахвердиевнинг маҳорат сабоғи ёш ижодкорлар учун катта мактаб вазиғасини ўташига шубҳа йўқ. Фестивалда кўплаб истеъдодли ёшлар қатнашаётганини кўриб бир қувонсанг, юртимизда уларга мана шундай ғамхўрлик қўрсатилаётгани, бунинг самараси ўлароқ энг замонавий йўналишларда бетакрор асарлар яратилаётганидан, бу ишлар халқаро миқёсда эътироф этилаётганидан ҳам руҳинг кўтарилари. Ўзбек тасвирий санъатининг келажаги ишончи кўлларда эканидан қалбингда гуруру туясан.

Сатору ТАКАХАШИ, Япония элчихонаси маслаҳатчиси:

— Фестивал кўллари ўзбекистонлик рассомлар ижодининг янги намуналари билан танишишга мўъжиза бўлди. Иқоу Хиряма номидаги Маданият карвонсаройида ўзбек ва япон ижодкорларининг кўргазмалари мунтазам ўтказиб турилади. Ҳар йили фестивал давомида япон маданияти кўллариининг ўтказилиши ҳам ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларининг мунтазамлигидан далолатдир. Бу каби ўзаро ҳамкорлик алоқалари, шубҳасиз, икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Гулчехра УМАРОВА

КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Драматургия кенгашида таниқли шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг "Бобурнинг йигитлиги" номида саҳна асарлари тўплами тақдимоти бўлиб ўтди.

Тadbирни уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очди. Драматургия кенгаши раиси Шухрат Ризаев Ҳ.Муҳаммаднинг янги китобига унинг мустақиллик йилларида ёзилган асарлари киритилгани ҳақида сўзлади. "Жиноат устида ушлансин" асари Миллий театрда 1995 йили саҳналаштирилган. Бу асар асосида филм-спектакл суратга олиниб, телеканалларда кўп марта намойиш қилинган. Шу театрда қўйилган "Хотинлар гап"идан чиққан хангома" асари асосида

"Темир эркак" филми суратга олинган. Бу фильм Пхенянда ўтган Осие мамлакатлари кино-фестивалида совинли ўринга сазовор бўлган.

Тақдимотда сўзга чиққан филология фанлари доктори, Наим Каримов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Абдуғафур Расулов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Мели Маҳаматов, санъатшунослик фанлари номзодлари Тоир Исмолов, Ҳамидҷон Икромов, "Театр" журнали бош муҳаррири Эркин Усмонов ва бошқалар Ҳ.Муҳаммаднинг мазкур китоби ютуқ ва камчиликлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Яшнаётган НИҲОЛ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг янги ўқув театри саҳнасида "Ниҳол" мукофоти совриндори Гулзода Худойназарованин "Соғлом бола" йилига бағишланган жонли ижродаги концерт дастури тингловчиларга ҳавола этилди.

Устоз санъаткорлар, адабиёт ва санъат намоёндалари, мумтоз кўшиқ-ихлосмандлари давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қайта бунёд этилган муҳташам бинолари, талабалар учун яратилган шароитларни кўриб, завқ




олдилар. Ўқув театрининг энг сўнгги замонавий жиҳозларга эгаллиги, саҳна имкониятлари барчада катта таассурот қолдирди. Мана бир неча йилдирки, санъатимизнинг турли йўна-

лишларида ўз истеъдодини намойиш этиб, катта ижод йўлига қадам қўётган бир гуруҳ умидли ёш ижодкорлар "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлмоқдалар. Кўшиқчилик санъатининг ёрқин

юлдузларига айланган кўплаб хонандаларга ушбу мукофот илҳом берган.

Концерт Гулзода Худойназарованин ўз устида мунтазам ишлаётгани, халқимизга неча асрдан бери маънавий ҳамроҳ бўлиб келаётган мумтоз кўшиқларимизнинг устоз санъаткорлар ижросидаги талқинларини кунт билан ўрганиб, талабаларга ўргатиб, ўзига хос ижро йўлини топаётганининг исботидир. Ўзбекистон халқ артистлари ўлмас Саидҷонов, ўлмас Расулов, Ўзбекистон халқ ҳофиси Соибҷон Нисозов ва бошқалар истиқлол шарофати билан мумтоз кўшиқчилик санъати ривожига эътибор кучайгани, муҳлисларнинг кўшиқни тинглаш, матни идрок этиш маҳорати ошиб бораётгани, бу эса санъаткорларга янада жиддий масъулият юклашини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

М.АХМЕДОВ



Чарли Чаплиннинг оламшумул доврўғи

Жаҳонга машҳур киноактёр ва режиссёр Чарли Чаплин таваллудига 125 йил тўлди. У 1889 йили Лондонда эстрада музика-халқ актёрлари оиласида туғилган. Чарли беш ёшлик вақтидаёқ саҳнага чиқишига тўғри келган. Ушанда саҳнада кўшиқ айтаётган онасининг бирданига овози йўқолиб қолади ва томошани тўхтатмаслик учун унга онаси ўрнида кўшиқ куйлаш тақдир этилади. 1898 йили "Ланкашерлик саккиз йигит" деб номланган рақс гуруҳида раққос сифатида иштирок этганидан сўнг, бир неча йил театр ва енгил жанрли эстрада театрларида актёр сифатида фаолият олиб боради.

1912 йилги гастрол сафарлари чоғида у АКШда яшаб қолишни ихтиёр этади ва Keystone Studios киностудияси билан ҳамкорлик қила бошлади. 1914 йили "Тирикчилик ғамида" филмида илк бор актёр сифатида суратга тушган. Унда актёр ўзи ўйлаб топ-

ган дайди бола ролининг ижро этган. Ўша йилиёқ Чарли Чаплин ўзини режиссёр сифатида синаб кўришга қарор қилиб, қисқа метражли филмин суратга олади. Картиналар учун сценарийлар ёзиб, ўзи бош ролини ижро этади. 1917 йили унинг иштирокида янги филм олиш учун 1 миллион сўмлик шартнома тузилади. Бу ўша даврда энг катта гонорар ҳисобланарди. Орадан икки йил ўтиб эса, у Мэри Пикфорд, - Дуглас Фэрбенкс ва Дэвид Уорк Гриффит каби актёрлар билан биргаликда "United Artist" киностудиясини очиб, ижодкорларга босим ўтказувчи молиявий ҳамкорлар тазйиқидан қутулиш-

Рангин дунё

га эришади. Ушанда бу киностудияда Чарли Чаплин томонидан суратга олинган илк картина "Парижлик хоним" деб аталган ва унда актёр ўз ижоди учун типик бўлмаган эпизодик рол ижро этган. 1940 йили эса Чаплиннинг "Буёқ диктатор" филми экранларга чиқарилади.

1967 йили суратга олинган "Гонконглик графиня" филми Чаплиннинг сўнгги картинаси бўлиб, бош ролларни Европа киноси юлдузлари Софи Лорен ва Марлон Брандо ижро этишган. 1977 йил 25 декабрда вафот этган буюк актёр Швейцариянинг Корсье-Сюр-Вева шаҳри қабростонида дафн этилган.

Чарли Чаплин таваллудининг 125 йиллиги унинг кўп минг сонли муҳлислари томонидан кенг нишонланди.

Леонардо Ди Каприо Стив Жобс образини яратди

"Қумлоқ соҳил" ва "Игна устида" филмлари режиссёри Дэнни Бойл Apple компанияси асосчиси Стив Жобс ҳақида картина суратга олиш мақсадида




бош рол учун машҳур киноактёр Леонардо Ди Каприо номзоди-га тўхталган кўринади. Sony Pictures компанияси Жобс таржимаи ҳоли асосида кино яратиш борасида кинорежиссёр Дэнни Бойл билан музокара олиб бормоқда. Картина сценарийсини Facebook компанияси асосчиси Марк Цукерберг ҳақидаги биографик филм сценарийси муаллифи Аарон Соркин ёзади.

Гап шундаки, 2013 йили Стив Жобс ҳаёти ҳақида ишланган "Жобс. Қизқичқил ош селтанати" филмида бош ролини Эштон Катчер ижро этган бўлиб, бу картина кинотанқидчилар эътирофини қозонмаган ва Apple компанияси мутасаддилари томонидан экранларга чиқаришга руҳсат берилмаган.

Анри Матисс мўъжизаси

Машҳур мусаввир Анри Матисс яратган коллажлар эндиликда унинг рангтаъсир, манзарали-амалий санъат асарлари



каби шухрат қозонмоқда. Шу сабабли Лондондаги Тейт галереяси раҳбарлари моҳир санъаткор ушбу жанрда яратган асарларини кўргазмаларда намойиш этишга қарор қилишди. Коллажлар билан шуғулланиш

гояси муаллифда бўлғуси картиналаридан бири учун манзара яратилиш режаси устида изланаётганда тасодифан туғилган.

Матисс мазкур услубдан Провансдаги ибодатхоналардан бири учун витражлар (рангли ойналар) тайёрлаш жараёнида ҳам фойдаланган. Энг муҳими, бу чизгиларда муаллифнинг ранг танлаш маҳорати, бекиёқ фантазияси намён бўлиб, коллаж соҳасида ҳам тўлақонли санъат асарлари яратиш мумкинлигига ишончи ортган.

Анри Матиссининг коллаж асарлари кўргазмаси сентябрь ойига қадар Лондонда намойиш этилганидан сўнг Атлантика уммонининг иккинчи соҳилидаги Метрополитан музейига тақдим этилади. Тасвирий санъат муҳлислари келаси йилнинг феврал ойига қадар бу асарлар билан танишишлари мумкин.

Турсунбой
АДАШБОЕВДАВРОН БОБО ВА
НЕВАРАЛАРИ

Даврон бобо келмагани,
Кўпдан бери Тошкентга.
Кўш набири етагида,
Меҳмон бўлди Бошкентда.

Оқил билан Қобилжоннинг,
Метро эди илинжи.
Эскалатор ер остига,
Олиб тушди биринчи.

Ака-ука ҳайрон қолди,
Метрода ўзга олам.
— Бу, Навоий номли бекат,
Хўш қалай, Оқил болам?

— Деволарни ким бегаган?
Оқил сўрайди шошиб.
— Чингиз Аҳмар бобонгизнинг
Хизматлари муносиб.

— Бу-чи, Ойбек номли бекат,
Қаранг қандай кўркандир.
“Бунёдкор” у “Тинчлик” сўзин,
Байроқ қилган ўлкамдир.

Амир Темури музейини,
Кўргач пешин чоғида.
Кейин улар дам олишди,
Фафур Фулом боғида.

Бу гаройиб саёҳатдан,
Кўнгиллари яшнади.
“Поп-корн” деб ёзилган сўз,
Чол кўнглини гашлади.

— Тилимизни қадрлашга,
Фаросат-ку, етарли.
“Кўғирмоч” ё “Бодроқ” десак,
Асакамиз кетарми?!

БУЛУТЛАРГА
ЎТИРИБ

Анжомларни шай қилиб,
Тунадик Учқайинда.
Кейин тоққа йўл олдик,
Демак, ўлжа тайин-да.

Отилмаган какликни,
Пешингача патладик.
Ғалвирда сув олгани,
Қуруқсойга қатнадик.

Кейин каклик гўштини
Солдик тешик қозонга.

Човлига шўрва қуйиб,
Ичиб олдик азонда.

Кўкда момогулдирак,
Арслондайин бўқирди.
Чақмоқдан сўнг, юлдузлар
Ёнғоқдайин тўқилди.

Болалар бекати

Жала қуйди, сел оқди,
Маржонбулоқ кўпириб.
Бизлар қайтдик шаҳарга
Булутларга ўтириб...

ЛОЧИН

Наслимиз — насабимиз,
Бургутларга тақалар.
Шу бондан исмишимиз
Лочин дея аталар.
Кўён қочиб қутулмас,
Ярим метр қулочим.
Каламуш, сичқонларни,
Топамиз-да иложин.
Овчи зоти ўлжасин,
Довлагани яхшироқ.
Тулқиларни бургутлар,
Овлгани яхшироқ.

СУРАТКАШ

Рассом тоғам чизган сурат,
Ёқмади, бу рост.
Сўнг бобомнинг боғларини,
Кузатдим бироз.
Олма гули нафармондир,
Шафтоли пушти.
Қирмизи ранг ўриклардан
Капалак учди.
Олхўрига оппоқ кўйлак,
Ярашган ажаб.
Олволонинг эгни узра,
Ярқирад садаф.
Асалари чечакларни,
Чанглапти ўтар.
Савоб ишга қодирлигини,
Англапти ўтар.
Анжир сариқ, нок замҳарир,
Бодиринг яшил.
Бир-бирига ўхшамайди,
Хатто тўрт фасл.
Кўёш минг хил бўёқларни,
Олар қаёқдан?
Ажабтовур сеҳрлидир,
Гўзал ҳаёт ҳам.
Кўққис кўкда чақмоқ чақди,
Момогулдирак.
Чанг, губорни аритгувчи
Ёмғирдан дарак.
Чақмоқларнинг ўзига хос,
Бордир гашлиги.
Бу онажон табиатнинг,
Сураткашлиги.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ
ҲАЁТИДАНГабриэль Гарсиа Маркес
абадияти

XX асрнинг энг сўнгги классик адибларидан ҳисобланган Габриэль Гарсиа Маркес Мехикода зотилжамдан вафот этди. Ўзбеки ўн беш йил бекот бўлган. 1999 йили шифокорлар колумбиялик буюк адибга санокли кунлари қолган, деб ташхис қўйишган. Бунга ишонган ёзувчининг ўзи ҳам, ҳар эҳтимолга қарши қолган вақтини меуарлар ёзишга бағишлаб, нафақат бутун ташқи дунё, хатто ўз яқинлари билан ҳам мулоқотни йиғиштириб қўйган. Унинг бахтига хасталик орта чекиниб, 2002 йили “Ҳаёт ҳақида ҳикоя қилмоқ учун яшамоқ” деб номланган хотиралар трилогиясининг биринчи қисми чоп этилди.

Ёзувчи адабий шон-шўхрат эса 1961 йили чоп этилган “Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди” қиссаси орқали келган. Адиб бу асарни Эрнест Хемингуэйнинг мутлақ таъсирида бўлган кезлари ёзган. Бу асар “реализм сеҳр-жодуси”нинг ёрқин намунаси сифатида эътироф этилган бўлса-да, шу асардан бошлаб мустақил услуби намоён бўла бошлаган. Орадан беш йил ўтиб адиб оламга шов-шув бўлган асари — “Ёлғизликнинг юз йил йили” романини ёзиб битказди. Унда бир кишлони пайдо бўлганидан то йўқолиб кетгунга қадар унда яшаган оилаларнинг етти авлоди ҳаёти моҳирона тасвирланган. Реал ҳаёт билан фантастик воқеалар тасвири шу қадар уйғунлашиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиш қийин. Китобхон мутолаа жараёнида келадики маънавий хулосалар ҳам ақл бовар қилмас даражада кўп қирралидир.

Унинг мумтоз ёзуви сифатида абадий шон-шўхратга бурканиши учун шу асарнинг ўзи кифоя қилса-да, Г.Маркес ўтган аср саксонинчи йиллари ўрталарига қадар муттасил янги асарлар ёзди. Гарчи, улар адибнинг аввалги икки асари забот этган юксакликка кўтарила олмаган бўлса-да, ҳар бирини китобхонлар катта хайрихоҳлик билан кўтиб олишган. 1982 йили ёзувчи “Фантазия ва реаллик ўзаро уйғун ҳолда бутун бир қитъа ҳаёти ва муаммоларини ўзида акс эттирган роман ва қиссалари учун” Нобел мукофоти билан тақдирланган.

2004 йили моҳиятан ижодий васиятлар тарзидаги битиклари чоп этилган, адибнинг энг сўнгги қиссаси эълон қилинган. Шундан сўнг адиб роппа-роса ўн йил яшаб, 87 ёшида оламдан ўтди. Колумбиянинг Габриэль Гарсиа Маркес туғилиб ўсган Аракатака шаҳри аҳолиси ўз Ватанининг фахр-ифтихор тимсолига айланган оламшумул адиб сиймосига буюк эҳтиром кўрсатиб видолашдилар.

Колумбия ҳукумати адиб хотираси учун мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилди.

Толстой ва унинг
романи

Буюк адиб Лев Толстой ўз асарларига, шу жумладан, “Уруш ва тинчлик” романига ҳам ишонсизлик билан қараган. 1871 йили Фетга ёзган хатда: “Мен шундай бахтиманки... бундан буюғига ҳеч қачон “Уруш”га ўхшаган кўп сўзли бўлмағур нарсаларни ёзмайман”, дейди. 1908 йили эса қўндалигига ўшбу битикларни ҳам ёзиб қолдирган: “Одамлар мени арзиманган нарсалар учун яшши кўришади — уларга “Уруш ва тинчлик”ка ўхшаган асарлар жуда муҳим бўлиб туюлади”.

Антона Чехов

Антон Чехов бекот бўлганида канакунжот ёғи зарур бўлиб, дорихонага одам юборибди. Доригар ўзини гўлликка солибди-да, иккита катта гилофдаги канакунжудан бериб жўнатибди. Ёзувчи гилофга баҳайбат дориларни кўриб, “Мен от эмасман”, деган ёзув билан дарҳол уни эгасига қайтарибди. Қувлик қилиб адибнинг дастхатини олишга эришган доригар эса, мамнун бўлганча дориларни бошқасига алмаштириб берибди.

“Хато кетган” ўқ

Александр Дюманинг бир сафар дуэлга тушишига тўғри келган экан. Қоидага кўра, аввал куръа ташланиб унда ким енгилса, ўша одам ўзини отиши керак бўлган. Куръада омади чопмаган ёзувчи қўшни хонага ўтибди-да, ичкаридан беркитибди. Бироздан сўнг ўқ овози эшитилиб, ҳамма юрак ҳовучлаб турганда ичкаридан Дюма чиқиб келибди ва воқеа иштирокчиларига қарата: “Мен отдим, бироқ ўқим... хато кетди”, дебди.

Кафканинг ўлимидан сўнг...

Франц Кафка ҳаётлик чоғида фақат бир нечта ҳикояларини эълон қилган. Оғир касал бўлиб ётган адиб дўсти Макс Броддан ўзининг барча битиклари ва ёзиб тугалланмаган романларини ўлимидан сўнг ёқиб юборишни илтимос қилади. Брод илтимосни бажармайди, қайта уларнинг — Кафкага ҳаётидан сўнг катта шўхрат келтирган бу асарларнинг чоп этилишини таъминлайди.

Эл обод — дил обод

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига халқаро кўламда эътибор ошиб бормоқда.

Ўлмас меъморий обидалари кўзни қамаштираётган тарихий шаҳарлар билан бирга замонавий лойиҳадаги янги кишлорлару ноёб табиатимиз, бой наботот ва ҳайвонот олами манзаралари халқаро туризм ишқибозларини қизиқтирмоқда. Эндиликда юртимизда вино туризми ҳам оммавий сайёҳлик йўналишларидан бирига айланмоқда.

Бунга “Ясмина Тур” сайёҳлик компанияси томонидан пойтахт вилоятининг Паркент туманига уюштирилган кўргазмали саёҳат иштирокчилари яққол ишонч ҳосил қилдилар. Гўзал тоғлар бағридаги Намданак кишлорда жойлашган “Хамкор” виночилик хўжалигида бўлиш учун бир соат вақтнинг ўзи кифоя. Денгиз сатҳидан саккиз юз метр балангликдаги тоғ этакларида барпо этилган анвойи узумзорлар гўзаллиги ҳар қандай сайёҳни ўзига маҳлиб этмасдан қолмайди.

1992 йилдан бошлаб 250 гектар майдондаги узумзорлар ҳосилдан энг сифатли мусалласлар тайёрлаш ва уларни идишларга қуйиш ташкил этилган. “Хамкор”нинг 12 турдаги оқ ва қизил мусалласлар халқаро бозорда айниқса харидоригир. Хўжаликда тайёрланаётган ўзбек мусалласлари таъмига франциялик машҳур винопазлар ҳам тан беришмоқда. Халқаро патентлар олган вино маҳсулотлари французи технологияси асосида тайёрланаётгани боиси шунда. Уларнинг қизили «Saint Marc», пушти ранги «Josephine», оқ туслиси «J'Adore», «L'ougre» каби номлар билан чиқарилмоқда.

“Хамкор” хўжалиги узумзорлари билан танишадиган сайёҳлар учун хўшманзара тоғ этакларига отта сайр, ўзбек миллий кийимларида суратга тушиш, шунингдек, энг ноёб мусалласлар татиб қўриладиган тушлик ҳам ташкил этилади. Бундай сайёҳлик турлари келгусида юртимизнинг бошқа худудларида йўлга қўйилган аънавий сайёҳлик йўналишларини бойитиши кўзда тутилган.

ЯНГИ САЙЁҲЛИК ЙўНАЛИШИ

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР
ШАҲС ВА ИЖОДКОРКитобдан яхши дўст бўлмас
ШАҲС ВА ИЖОДКОР

“Тамалдун” нашриёти Абдулла Қаҳҳор уй-музейи томонидан тайёрланган “Абдулла Қаҳҳор: шаҳс ва ижодкор” номли тўпламини нашрдан чиқарди. Китобга Нолира Жалолова муҳаррирлик қилган. Тўплам Отабек Жўрабоевнинг қаҳҳоршунослигининг айрим масалаларига бағишланган сўзбошиси билан очилди. Шунингдек, бу муаллифнинг адиб архивидаги баъзи кўлэма ва шеърлар матнига доир мақоласи ҳам тўпламнинг охириги саҳифаларида берилган. Китоб “Устоз, муҳит ва давр”, “Асарлар ва талқинлар” ҳамда “Кўлэмаларда ижод борлиги” сарлавҳали уч бўлимдан таркиб топган. Адабиётшунос олим Умарали Норматов устоз адибнинг таниқли ёзувчи, олим ва мунаққиллар билан яқин муносабати, шоғирларига ғамхўрлиги мухлислари қалбида чуқур из қолдирганини ҳаётий лавҳалар орқали кўрсатиб берган. Адабиётшунослар ва ёзувчилардан И.Ғафуровнинг “Қаҳҳор одамлари”, А.Аъзамнинг “Мансур дард”, У.Қосимов ва Ю.Каримованинг “Қаҳҳор ибрати ва маҳорати”, С.Умировнинг “Ёшларнинг сеvimли то‘си”, М.Қўқорованинг “Аяжонларим” пиесасининг қиссий таҳлили, Х.Ҳамроқулованинг “Шаҳс Ғожаеси” мақолаларида Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида қимматли маълумотлар, илмий кузатишлар қаламга олинган.

Китобдаги Г.Товстогон, Т.Қаипбергенов, М.Қўлдошевга ёзган мактублари, П.Қодиров, Н.Худойбергеновдан ҳамда ўғли Пулатдан олган хатлари, шунингдек ёзувчининг икки шеъри устоз адиб шаҳси ва ижодини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Гулноза ҚУВОНДИҚОВА,
Абдулла Қаҳҳор уй-музейи ходимаси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси
Ғулом ҚАРИМИЙнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси
Кавсар Турдиевага ўғли ХУМОЮНБЕКнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА
ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР
ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ ХАЛҚАРО “ОЛТИН МЕРОС”,
“НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАЛАРИ, “ТАСВИРИЙ ОЙИНА”
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ, ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ,
КўҚОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

“Табассум — 2014” аскиячи, қизиқчилар ва
Афанди латиғалари ижрочиларининг
аънавий Республика кўрик-танловини
ўтказди.



Кўрик-танлов 2014 йил 2-3 май кунлари соат 11:00да
Кўқон шаҳридаги “Ёшлар” маданият ва истироҳат боғида
бошланади.

ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ
МАРОСИМИ

3 май кун соат 17:00да бўлиб ўтади.

Ташкилий қўмита.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўzbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилмиз:
uzas@mc.s.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулҳебра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.28

Газета Ўzbekiston Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 6651 Бурятла Г — 458. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 ' 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X



9 772181 614000